

## ПРЕЗИДЕНТ ОЗАРБОЙЖОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2012 йил 11 октябрь куни расмий ташриф билан Озарбойжонга жўнаб кетди.

Олий даражадаги музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Расмий ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

ЎЗА

## ИСЛОМ КАРИМОВ БОКУГА КЕЛДИ

БОКУ, 11 октябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 11 октябрь куни расмий ташриф билан Бокуга келди.

Олий мартабали меҳмон шарафига Ҳайдар Алиев номидаги халқаро аэропортда Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг давлат байроқлари кўтарилган, фахрий қоровул саф тортган.

Озарбойжон пойтахтининг аэропортдан Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган "Улдуз" давлат қароргоҳига қадар барча кўчалар икки давлатнинг миллий рамзлари билан безатилган.

Томонлар ушбу ташрифга Ислам Каримов ва Илҳом Алиевнинг 2010 йил сентябрь ойидаги Тошкент учрашувининг мантиқий давоми, мунтазам сиёсий мулоқот доирасида анъанавий дўстона давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, муносабатларни ҳамкорликнинг барча соҳаларида янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилиш имконияти сифатида қарамоқда. Дўстлик ва стратегик шериклик руҳида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларнинг асосий жиҳатлари юзасидан фикрлар алмашуви режалаштирилган.

Музокаралар чоғида савдо-сотиқ, иқтисодиёт, сармоя, транспорт коммуникациялари соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди.

Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги учрашув якунида давлат раҳбарларининг икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган Қўшма баёнотини қабул қилиш ҳамда ҳукуматлараро ва идоралараро қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

ЎЗА

## Эл-юрт ишончи — юксак масъулият

Президентимиз Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи қалбимни фахр-ифтихор туйғулари билан тўлдирди. Давлатимиз раҳбари вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчилик ишларига баҳо берар экан, бу юртни ҳеч қайси ҳудуд билан қиёслаб бўлмайдиган табии, саховатли тупроғи, кўҳна тарихи ва бой маданияти борлигини, бу ерда ҳар қандай қийинчилик ва синовларга бардош бера оладиган, она-юртига садоқати баланд, ўз кучига ишонган, ўз қадр-қимматини яхши биладиган мард ва матонатли одамлар яшашини, айни чоғда самимийлик, тўғрилик, ишбилармонлик, вазиятни ҳар қандай шароитда ҳам тўғри баҳолаш каби хусусиятлар Хоразм элига азалдан хослигини алоҳида ҳурмат билан эътироф этди.

Дарҳақиқат, деҳқончилик маданиятини чуқур эгаллаган, ер билан тиллаша оладиган, ўз сўзида собит, азму қарори қатъий хоразмлик миришкорларнинг заҳматли меҳнати билан бу ерда меҳнат унумдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Истиқлол шарофати билан ўз меҳнати самараларидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлган деҳқонлар, фермер хўжаликлари, тадбиркорлар эришяётган ютуқлар тўғрисида кўп гапириш мум-

кин. Биргина қишлоқ хўжалигида эмас, саноатда, қурилишда, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда ҳам ижобий натижаларга эришиляётир. Бугун бу ерда "Богот текстиль", "Коттон-текст", "Дариталь текстиль", "Жиласун", "Коботекс", "Ўзтекс Шовот" каби замонавий саноат корхоналари самарали ишлаб турибди.

Давоми 2-бетда ➤

Европа футбол уюшмалари иттифоқи — УЕФА президенти Мишель Платини раҳбарлигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси раиси М.Усмонов билан учрашув чоғида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда футболни ривожлантириш, замонавий стадионлар, ўқув-машгулот масканларини бунёд этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, профессионал футболчиларни тайёрлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори футбол инфратузилмасини янада такомиллаштириш, янги стадионлар барпо этиш ва мавжудларини таъмирлаш, футбол бўйича таълим масканлари фаолиятини замон талабларига мос йўлга қўйиш, малякали мурабийлар ва ҳакамлар тайёрлашда муҳим дастуриллама бўлмоқда.

Бугун ўзбек футболни қитъа ва жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга. Куни кеча футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз 4 миллиарддан ортқ аҳоли яшайдиган Осиё қитъасининг чемпиони деган юксак шарафга эришди. Утган йили Осиё чемпио-



## УЕФА президенти Тошкентда

натиди кучли тўртликдан жой олган миллий терма жамоамиз айни пайтда 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи саралаш босқичида иштирок этмоқда. Сўнгги икки жаҳон чемпионатида бош совринни қўлга

киритган Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси Россияда давом этаётган навбатдаги жаҳон чемпионатида ярим финалга чиқди. УЕФА делегацияси аъзолари Ўзбекистонда футболни ривожлантириш борасида амалга оши-

риляётган ислохотлар, пойтахтимизда барпо этилган «Бунёдкор» стадиони ва футбол мажмуаси, тўлиқ қайта таъмирланган «Пахтакор» стадиони, Ўзбекистон Футбол федерацияси фаолияти билан яқиндан танишди.

— Ўзбекистонда футболни

Давоми 8-бетда ➤

## Қалбларимизда фахр ва қувонч ҳисси

Яқинда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган футбол бўйича Осиё чемпионати ўйинлари халқимизга хурсандчилик бахшида этди. Унда иштирок этган ўғлонларимиз давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг: "Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайти, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди", деган фикрлари нечоғли ҳақ эканлигига яна бир қарра амин бўлдилар.

Муносабат



Давоми 3-бетда ➤



## Ўзбекистон — умумий уйимиз

Аҳил маҳалла

"Янги турмуш" қишлоқ фуқаролар йиғини Бухоро туманидаги энг йирик аҳоли яшаш масканларидан бири ҳисобланади. Йиғинимиз ҳудудидаги 1841 та хонадонда 9691 нафар фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг салкам тенг ярми, яъни 4152 нафари эса туркман миллатига мансуб аҳолидир. Узоқ йиллардан буён ўзбек халқи билан қўни-қўшни, дўст-биродар, қуда-анда бўлиб яшаб келаётган бу фуқаролар ҳам серкўёш Ўзбекистонни ўзларининг киндик қони тўкилган Ватани, деб билишоди.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа кўплаб миллат вакиллари қатори улар ҳам учун яратилган барча имкониятлардан фойдаланаётганликларидан фахрланишади.

Яратганга шукроналар бўлсинки, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори, бизнинг аҳоли яшаш масканимиз, унинг ҳудудидаги маҳалла ва қишлоқларимизда ҳам тинчлик, осойишталик ҳукмрон. Ҳавас қилишга арзиғулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, қишлоқ ва кўчаларимиз кундан-кунга чирой очиб бораёпти. Аҳоли томонидан қуриляётган янги замонавий уй-жойлар, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари, таълим муассасалари, спорт-соғломлаштириш масканлари ҳавас қилишга арзиғулик.

Давоми 4-бетда ➤

### Диққат, танлов!

"Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси"

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аёллари ўртасида "Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси" кўрик-танлови ўтказилади.

6-бет

### «ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун обуна бошланди!  
Вақтида обуна бўлишни унутманг, ана шунда газетани излаб овора бўлиб юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга ёки уйингизга кириб келади!  
«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!  
Нашр кўрсаткичи 100.













